

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Кузиева Наргиза Рамазановна

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СОЛИҚ ТИЗИМИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент-2005

Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. / Н. Р. Кузиева, Т.,
Тошкент Молия Институтини. 2004 й., 90 б.

Мазкур ўқув қўлланмада хорижий мамлакатлар солиқ тизимига тавсиф берилиб, солиқ тизимининг тузилиш асослари солиқ тизимининг таркиби ва солиқ турлари кўриб чиқилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда ўтказилган солиқ ислохотларининг асосий йўналишлари таҳлил қилиниб, солиқ тизимидаги истиқболлар ёритиб берилган. Ўқув қўлланмада ривожланган давлатларда солиқ тизими моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кенг ёритилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими билан АҚШ, Германия, Франция, Япония, Канада солиқ тизимларининг солиштирма таҳлиллари келтирилган бўлиб, таҳлиллар натижаларига кўра фикр- мулоҳазалар юритилган.

Хорижий давлатларда солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи таҳлилий жадваллар берилган.

Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртлари, коллеж талабалари, аспирантлар, тадқиқотчилар, мустақил изланувчилар, молия ва солиқ тизими ходимлари фойдаланиши мумкин.

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институтини қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: и.ф.н., доц. П. Ш. Саидхўжаев
и.ф.н., доц. Х. Жамолов

I-БОБ. Хорижий мамлакатлар солиқ тизимига ва солиқларига умумий тавсиф

1.1. Солиқ тизимининг тузилиш асослари

Солиқлар амалиётда жорий қилиниши ва заруриятига қараб, миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, турли хил кўринишларда бўлади ва биргаликда мамлакатнинг солиқ тизимини ташкил этади. Хориж мамлакатларида солиқларни йиғиш, уларнинг тузилиши, ундириш тартиби, ставкаси, турли хил ҳокимиятлардаги фискал вазифаси, солиқ базаси, фаолият доираси, имтиёзларини қўлланилиши бўйича тизимлар бир-биридан фарқ қилади ва бир хил эмасдек кўринади. Лекин чуқур таҳлил этганимизда, уларни иккита умумий белгисини ажратиш кўрсатишимиз мумкин.

1. Давлатнинг доимий равишда солиқ даромадларини кўпайтиришдаги аниқ йўллари излаши.

2. Иқтисодий назария тамойилларига, яъни тенглик, адолатлилик, солиққа тортишни самарадорлиги тамойилларига асосланганлиги.

Биринчи белги қисман ёки тўлиқ солиқ ислоҳоти кўринишида амалга оширилади. Бунда янги солиқларни жорий этилиши, солиқ базасини ўзгартирилиши, солиқлар бўйича янги имтиёзларни жорий этилиши, прогрессив ёки пропорционал солиққа тортиш тартибини ўрнатилиши, солиқ юкини тақсимланиши ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин.

Иккинчи белгига келсак, бунда солиқ тизимлари бир хил эмас ва бунда давлатнинг солиқ тизими у ёки бу иқтисодий назарияга асосланганлигига боғлиқ бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан бу тамойиллар умумий характерга эга. Умуман олганда, бу тамойилларни юқоридаги таҳлил бўйича тушунтириш мумкин.

Солиқлар ва йиғимлар давлат томонидан солиқ тўловчилардан олинади. Шунинг учун ҳам солиқлар мажбурий характерга эга.

Солиқлар ўртасидаги фарқ солиққа тортиладиган даромадлар ва харажатларнинг хусусиятига, солиқлар таснифига боғлиқдир. Солиқлар куйидагилардан ундирилиши мумкин:

1. Товар ва хизматлар бозорида (меҳнат, ер ва капиталдан);
2. Товар сотувчи ёки сотиб олувчилардан;
3. Уй хўжалигидан ёки компаниялардан;
4. Даромад манбаидан ёки харажат туридан.

Шундай қилиб, солиққа уй хўжалиги ёки уларнинг олган даромадлари, охириги истеъмолчиларнинг харажатлари, чакана савдодан олинган даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан олинган ялпи даромад, корхона даромадлари (амортизация ажратмалари чегирилгандан сўнг ва иш ҳақи фондига ажратилгандан кейин қоладиган даромад), иш ҳақи, жамғармалар, дивидендлар тортилиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда куйидаги асосий солиқларни амал қилишини кўришимиз мумкин: жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи, юридик шахслардан олинган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, истеъмол солиқлари, ижтимоий суғурта фондига бадаллар, маҳаллий солиқлар.

Солиқлар шахсий ва реал солиқларга бўлинади. Шахсий солиқлар солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолати ва тўловга қобилиятлилигига боғлиқ бўлади, реал солиқлар бирор бир фаолият турига ёки товарларга нисбатан тортилади, бу ҳолатда солиқ тўловчининг молиявий ҳолати ҳисобга олинмайди.

Амалиётда тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбат ҳам ҳисобга олинади. Тўғри солиқлар бевосита даромад олувчилардан – юридик ва жисмоний шахслардан ундирилади, эгри солиқлар товар оборотидан ундирилади ва солиқ юки охириги истеъмолчига қаратилганлиги билан асосланади. Лекин тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги фарқ реал ва

шахсий солиқлар ўртасидаги фарқ билан мос келмайди. Масалан, ёлланма ишдан даромад олган шахснинг солиғи тўғри солиқ сифатида қаралиши мумкин, ammo бу шахсий солиқ эмас, чунки бу ерда солиқ тўловчининг индивидуал тўловга қобилияти ҳисобга олинмайди.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизими мамлакатда юритилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий сиёсат билан бевосита боғлиқ равишда ташкил топади. Бугунги кунда қатор иқтисодчи ва сиёсатчилар олдида такомиллашган солиқ тизимини яратиш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этишда, қуйидаги талабларнинг қўйилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- солиқ юкининг тақсимланиши тенг бўлиши керак;
- солиқлар қабул қилинган иқтисодий ечимларга таъсир қилмаслиги керак;
- иқтисодий-ижтимоий мақсадларда юритилаётган солиқ сиёсати солиқ тамойилларини бузилиш даражасини пасайтириши керак;
- солиқ тузилиши давлатни иқтисодий ўсишига ва бир меъёردа бўлишига хизмат қилиши керак;
- солиқ тизими адолатли бўлиши керак;
- солиқни бошқариш бўйича маъмурий зарарлар минимал даражада бўлиши керак.

Бу талаблар мамлакат солиқ тизимини баҳолашда асосий мезонлари сифатида кўрилиши мумкин.

Солиққа тортиш тизимида адолатлилик ва тенглик тамойилларини амал қилиши муҳим ҳисобланади. Ушбу тамойилларининг амал қилиши, солиққа тортиш муносабатларида солиқ тўловчилар ва солиқ органларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Мамлакат иқтисодиётини, солиқ тизимини таҳлил қилишда талаб ва таклиф шартлари, бозор инфратузилмаси ва янги солиқларни жорий қилиниши эътиборга олинади. Солиқларни ўзгариши баҳоларнинг ўзгаришга олиб келади, бу эса ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг даромадлари ва ҳаражатларига таъсир қилади.

Истеъмом солиқларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- солиқларни жорий қилиниши баҳоларнинг ошишига олиб келади ва товарларга бўлган талабни пасайтиради;
- баҳолардаги ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар талаблар ва таклифлар эластиклигига боғлиқдир;
- солиқ юки эса талаб ва таклиф эластиклигига асосан сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасида тақсимланади;
- талаб ва таклиф эластиклиги акциз солиғига нисбатан пастдир;
- ставкаларни ортиши солиқ тушумларини камайишига олиб келади;
- ставкаларнинг бир хиллиги давлат бюджетига бир хил даромад тушишини таъминлайди;
- истеъмомга солиқларни қайта тақсимланиши солиқ тўловчиларнинг ҳам даромадларига, ҳам ҳаражатларига таъсир қилади.

Ишлаб чиқаришга белгиланган солиқларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- солиқлар ишлаб чиқаришдан олинган даромад меъёрини оширади, бунда бевосита соф даромад меъёри пасаяди;
- солиқ юкини қайта тақсимлаш талаб ва таклиф эластиклигига боғлиқ бўлади;
- бу солиқларнинг ҳал қилувчи таъсири даромадларга нисбатан бўлади;
- капиталдан олинган даромадлар прогрессив характерга эга бўлиб, иш ҳақиға белгиланган солиқ - регрессив характерга эга бўлади;
- ишлаб чиқариш фаолиятини солиққа тортишдаги ўзгаришлари бозор тузилишига, жамоа шартномалари ва рақобат шартларига боғлиқ бўлади.

Мамлакат солиқ тизимини самарадорлигини баҳолашда мамлакатнинг бошқарув харажатлари ва солиқ қонунларини бошқаришда солиқ тўловчиларнинг масъулиятсизлиги натижалари инобатга олинади.

Бугунги кунда жаҳон солиқ амалиётида солиқлар, солиқ тизимига оид қўйидаги асосий тушунчалар мавжуд:

- солиқларнинг асосий белгилари;
- солиқ элементлари;
- солиқ функциялари;
- солиқ вазифалари;
- солиққа тортиш усуллари;
- солиққа тортиш тамойиллари.

Солиқларнинг асосий белгилари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- Солиқларни асосий белгиларидан бири бу-улар давлатнинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги билан боғлиқдир. Давлат пайдо бўлиши билан уни молиялаштириш воситаси сифатида солиқлар турли хил миқдорда, тартибда ва кўринишда жорий этилади. Солиқларни амал қилиш давомийлиги давлат фаолиятини давомийлигига бевосита боғлиқдир.

- Солиқларни иккинчи белгиси бу давлатни Олий Ҳокимияти (Парламент, Олий Мажлис) томонидан қонуний таркибда белгиланиши. Ҳозирги давр жаҳон амалиётида солиқлар, албатта Олий Ҳокимияти томонидан қонун йўли билан жорий этилади ёки бекор этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида солиқлар Олий Мажлис томонидан қонун йўли билан тасдиқланади.

- Солиқларнинг, албатта, мажбурийлик характерга эга бўлиши, яъни мажбурий тартибда ундирилишидир.

- Солиқларнинг яна бир белгиси – улар, албатта, давлат ёки маҳаллий бюджетга келиб тушишидир, яъни улар бюджетдан ташқари фондларга тушмайди, чунки бу фондлар фақат солиқларни тақсимлаш жараёнида уларни дастлабки шакллантириш ёки молиявий қўллаб-қувватлаш асосида тушиши мумкин.

- Солиқлар фақат давлатга тегишли бўлади.

- Солиқларнинг яна бир асосий белгиларидан бири - бу уларни давлатни иқтисодий сиёсатини мазмун моҳиятига қараб ўзгаришидир.

Солиқ назариясида солиқ элементлари ҳам худди шундай солиққа оид иқтисодий ҳодисаларни изоҳлашга хизмат қилувчи яхлит тушунчадир. Солиқ элементлари тушунчаси солиққа тортиш тизимини муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўзи ҳам кичик тизимни ташкил этади. Солиқ элементлари ўз таркибига: солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ манбаи, солиқ ставкаси, солиқ нормаси, солиқ оғирлиги ва шу каби тушунчаларни қамраб олади. Қўйида солиқ элементлари ҳар бирига қисқача изоҳ берамиз:

Солиқ субъекти – бу солиққа оид муносабатларни ташкил этувчи томонларнинг ўзаро мажмуаси бўлиб, унда бир томонда солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар), бошқа томондан солиқ ундириш ваколати юкланган солиқ хизмати органлари – Давлат Солиқ Қўмитаси, Солиқ Бош Бошқармалари, туман-шаҳар давлат солиқ инспекциялари қатнашади. Фаолиятдаги барча хўжалик юритувчи субъектлар ва барча аҳоли тоифаси солиқ субъекти бўлолмайди. Чунки, бу ерда солиқлардан батамом озод этилувчи корхоналар ва аҳоли тоифаси мавжудки, булар солиқ субъекти иштирокчиси ҳисобланмайди. Аммо, барча солиқ хизмати органлари тўлиқ солиқ субъекти сифатида майдонга чиқади.

Солиқ объекти – бу солиқ солинадиган ёки мўлжалланган макон (объектни) билдиради. Солиқ объекти сифатида фойда ёки даромад, муайян товарларнинг қиймати, ер, тижорат, транспорт воситаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари, мулкни ижарага бериш, табиий ресурслардан фойдаланиш киради. Солиқ объекти аслида моддий

ва маънавий бойликларини айримларига қонун йўли билан улардан фойдаланувчи, эгалик қилувчи, тасарруф этувчи солиқ субъектлари ҳуқуқларини солиққа тортишни характерлайди.

Солиқ бирлиги – солиқ бирлиги аслида солиқ объектидан қанча миқдорда ва қандай асосда бюджетга солиқ тушумларини туширишга хизмат қилади. Масалан, ер солиғи ундирилаётганда муайян миқдордаги ер майдони объекти сифатида белгиланиб, унинг ҳар 1 м² дан солиқ ундирилади ва бу солиқ бирлиги ҳисобланади.

Солиқ оғирлиги – бу солиқ тўловчилардан олинадиган барча солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг умумий йиғиндисидир. Солиқ назарияси фақат биргина солиқ турдаги бюджетга ўтказилган суммани ифодаласа, солиқ оғирлиги барча мажбурий тўловларни билдиради. Солиқ оғирлигини солиқ тўловчилар зиммасига қанча миқдорда тўғри келишини аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Солиқ оғирлиги даражаси ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудратига, инфляция даражасига, давлатни ваколатли функцияларини қўллашига, бозор муносабатларининг ривожланишига ва ижтимоий ҳаракат даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Солиқ ставкаси – солиқ объектини ҳар бир бирлиги учун қатъий суммаларда ёки фоизларда давлат томонидан белгиланадиган меъёрдир. Солиқ ставкаси солиқ элементлари ичида асосий амалий аҳамиятга эга бўлган унсурдир. Чунки, солиқ ставкаларига таъсир этиш (кўпайтириш ёки пасайтириш) давлат иқтисодиёти субъектлари фаолиятига сезиларли таъсир этади. Жаҳон амалиётида солиқ ставкалари қуйидаги турларга ажратилади: пропорционал, прогрессив ва регрессив.

Бугунги кунда солиқ функцияларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) фискал (ҳазина) функцияси;
- 2) қайта тақсимлаш функцияси;
- 3) рағбатлантириш функцияси;
- 4) иқтисодиётни тартибга солиш функцияси.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқлар олдига асосан қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилган:

1. Миллий иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини яратиш ва монополияга қарши курашиш.

2. Миллий иқтисодиётда қулай инвестиция муҳитини яратиш.

3. Мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни ривожланишига қўмаклашиш.

Солиққа тортиш тизимида солиқлар асосан уч хил усул билан ундирилади:

1. Кадастрли усул;
2. Даромад эгасининг манбаидан олгунга қадар;
3. Декларация усули.

Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида солиққа тортиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Адолатлилик тамойили.
2. Аниқлилик тамойили.
3. Қулайлик тамойили.
4. Тежамкорлик тамойили.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида санаб ўтилган солиққа тортиш тамойиллари умумий характерга эга бўлиб, ҳар бир давлат ўз миллий иқтисодиётига мос равишда қонуний характерга эга бўлган солиққа тортиш тамойилларини белгилаши мумкин.

1.2. Солиққа тортиш тизимининг таркиби. Солиқ турлари

Ривожланган мамлакатларда солиқлар тизимининг умумий кўриниши қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

Биринчидан, алоҳида мамлакатлар иқтисодиёти солиқларнинг ҳар хил шаклдаги даромадларга нисбатан боғлиқлиги бир хил эмас ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Иккинчидан, Иқтисодий Ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатларнинг кўпида 1980 йилгача, жисмоний шахслар даромадига солиқ ва ижтимоий суғурта фондига тўловларнинг ҳиссаси сезиларли даражада ошиши кузатилган, истеъмолга солиқлар ҳиссаси эса ўзгармаган. 80- йилларнинг иккинчи ярмидан Дания, Финландия ва Буюк Британияда истеъмолга солиқлар ҳиссасининг ўсиши кузатилган.

Учинчидан, истеъмолга солиқлар ва акцизларнинг ҳиссаси кўп мамлакатларда деярли бир хил. Бироқ, 80-90 йилларда истеъмолга солиқларнинг аҳамияти доимо ошиб бориб, акцизларники пасайиб борган.

Умуман, охириги йилларда жисмоний шахслар даромад солиғи ва ижтимоий суғурта фондига тўловлар сезиларли даражада ошди. Акцизларнинг ҳиссаси ҳамма давлатларда пасайган, компаниялар даромадига солиқнинг ҳиссаси эса айрим ривожланган давлатларда пасайиши кўзатилган.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун умумий қабул қилинган қоидага кўра, солиқлар иқтисодий моҳиятига кўра, тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Тўғри солиқлар бевосита даромад ва мол-мулкка белгиланади (солиққа тортишнинг бевосита шакли), яъни бевосита солиқларнинг асосий тўловчиси даромад олувчи (мол-мулкка эгалик қилувчи ва ҳ.к.) ёки хўжалик субъекти ҳисобланади. Солиқ тўловчининг даромади (иш ҳақи, фойда, фоизлар ва бошқалар) ва мол-мулки (ерлар, уйлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар) қиймати тўғри солиқлар объекти ҳисобланади.

Бевосита солиқлар, ўз навбатида, реал ва шахсий бевосита солиқларга бўлиниши мумкин.

Эгри солиқлар – бу нарх ёки тарифга устама кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлардир. Эгри солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб товар истеъмолчиси ҳисобланади ва унинг зиммасига солиқ нархда кузда тутилган устамалар орқали юкланади.

Охириги икки ўн йилликда тўғри (жисмоний шахслар даромад солиғи, компаниялар даромадига солиқ, ижтимоий суғурта фондига тўловлари, ер солиғи, мол-мулк солиғи) ва эгри (истеъмолга солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона тўловлари) солиқларга тортишнинг умумий кўриниши ривожланган давлатларда қуйидагича ифодалаш мумкин:

- тўғри солиқлар - Голландия, Дания, Люксембург, Канада, Янги Зеландия, Швейцария, Австрия, АҚШ ва Японияда; эгри солиқлар – Норвегия, Франция, Австралия, Италия, Ирландия, Греция ва Испанияда катта салмоққа эга;
- Норвегия, Италия, Финландия ва Швеция мамлакатларида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбати бир-бирига яқин;
- тўғри солиқлар салмоғининг ошиши Буюк Британия, Германия, Финландия, Канада, Япония ва АҚШда, эгри солиқларнинг эса – Австралия, Италия ва айниқса Швецияда кўзатилди;
- ЕИГА аъзо давлатларда тўғри солиқларнинг салмоғи юқори.

Мамлакат солиқ тизимидаги, иқтисодий ривожланишидаги ўзгаришлар ва инфляция даражасининг ўсиши эгри солиқларга эмас, балки тўғри солиқларга ўз таъсирини

кўрсатади. Бу таъсирнинг даражасини аниқлашда солиқларнинг эластиклиги кўриб чиқилади.

Солиқларнинг эластиклиги дейилганда, мамлакатнинг Ялпи Ички Маҳсулот (ЯИМ)ини ўсиши ёки пасайишига – алоҳида солиқ турларидан тушумларнинг ўсиши ёки пасайишини боғлиқлиги тушунилади.

Охирги ўн йилликда тўғри солиқлардан олинган даромадларнинг ўртача эластиклиги 1 дан ошди, эгри солиқларники эса 1 дан пасайди. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, ривожланган давлатларнинг солиқ тизими юқори эластикликка эга. Бу мамлакатларда ЯИМ ўсиши орқали солиқ даромадларининг ўсиши таъминланади.

Солиқларни ундиришнинг асосий йўналишларини куйидагича таснифлаш мумкин: корпорациялар солиқлари ёки компания даромадларига бошқа солиқлар; тадбиркорларнинг ижтимоий суғурта фондига тўловлари; кўшилган қиймат ҳисобига тўланадиган эгри солиқлар; жисмоний шахсларнинг даромад солиғи; маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Кўп иқтисодий адабиётларда компаниялар тўлайдиган солиқлар, жумладан, компанияларнинг даромад солиғи бюджетни шакллантиришда асосий ўринга эга деб қаралади. Бироқ, ҳақиқатда компаниялар даромадига солиқларнинг аҳамияти тўланган солиқларнинг умумий суммасига нисбатан катта эмас ва охирги йилларда АҚШда 8-10%, Буюк Британияда 7,5%га яқин, Германияда 5% ни ташкил қилди. Бу ҳисса барқарор характерга эга эмас ва кейинги йилларда ҳатто унинг пасайиши кутилган (айниқса АҚШ ва Буюк Британияда).

Корпорацияларнинг даромад солиғини бюджетда эгаллаган ўрни асосан куйидаги омилларга боғлиқ бўлади: фойда ҳажмига, солиқларни тўлашдан қочиб имкониятларининг мавжудлиги, солиқ қонунчилигида бўладиган ўзгаришларга ва бошқалар.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғида жисмоний шахсларнинг даромадлари таркибига куйидагилар киради: иш ҳақи, дивидендлар, фоизлар, рента тўловлари, фуқароларнинг тижорат фаолиятдан келган даромадлари ва бошқа даромадлар. Солиққа тортиш объекти бўлиб, жисмоний шахслар даромадининг соф даромади ҳисобланади. Охирги йилларда ушбу солиқнинг бюджетдаги улуши АҚШда 10-14%, Буюк Британияда 6-7%, Германияда 5-7% ташкил қилган.

Ундан келадиган даромадлар жуда беқарор ва кўп омиллар таъсирида ўзгариб туради. Яқин йилларда, АҚШда унинг салмоғини бир оз пасайиши прогноз қилинган. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи салмоғини пасайиши мамлакатда ўтказилган солиқ ислохотларига кўра, солиқнинг прогрессив ставкалари қайта кўриб чиқилиб, кескин пасайган. Бошқа мамлакатларда ўтказилган солиқ ислохотларида ҳам шу каби масалар кўриб чиқилган.

Хориж мамлакатларида жисмоний шахсларнинг **жами даромадлари** таркиби 3 гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат ҳақи тариқасида олинган даромадлари (энг асосий даромадлар).
2. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари.
3. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари.

Жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи тариқасида олган даромадлари таркибига меҳнат шартномаси бўйича фаолиятдан ва фуқаролик - ҳуқуқий шартномалари бўйича олинган даромадлари киради.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромадлари ва **мол-мулкни ижарага** беришдан келадиган даромадлар киради.

Дивиденд ва фоиз даромадлари асосан қимматли қоғозлардан (оддий ва имтиёзли акциялар, аккредитивлар ва бошқалар) ҳамда ширкатларда шерикчиликдан олган даромадлардир.

Мулкларни ижарага бериш тадбиркорликка кирмайди.

Ижара даромадларига:

1. Квартиралар, гаражларни ижарага бериш.
2. Юк машиналарни, энгил машиналарни ижарага бериш.
3. Уй – анжомларини ва бошқа мулкларни ижарага беришлари киради.

Жисмоний шахсларнинг учинчи гуруҳ даромадларига тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадига яна товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, якка тартибда амалга оширилаётган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар, ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради.

Истеъмолга эгри солиқлар тадбиркорлар тўловлари каби солиқларни ундиришнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Охирги йилларда уларнинг ҳиссаси АҚШда 8-9%, Буюк Британияда – 20% дан кўпроқ, Германияда – 18% ни ташкил этди. АҚШда эгри солиқлар штат ва маҳаллий солиқлар гуруҳига киритилади, Буюк Британия ва Германияда умумдавлат солиқлари таркибига киритилади. АҚШда асосий эгри солиқ бўлиб, сотишга солиқ ҳисобланади. Буюк Британия ва Германияда эса товар ва хизматларнинг кенг доирасини қамраб олувчи ва етарлича юқори ставкаларда амал қилувчи - қўшилган қиймат солиғи амал қилади. Қўшилган қиймат солиғи ўзининг афзалликларидан келиб чиқиб, эгри солиқлар ичида муҳим ўринга эга.

Ёлланган ишчилар даромади (номинал иш ҳақи) дан олинadиган солиқлар жисмоний шахслар даромад солиғини ва ижтимоий суғурта фондига тўловларни ўз ичига олади. Ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини бюджетдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш тизимини умумий тамойиллари ўзининг миллий хусусиятларидан келиб чиққан. Бу умумий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳамма солиқ тўловчилар резидент ва норезидентларга бўлинади. Резидентликни белгилашнинг асосий мезони – бу жисмоний шахснинг мамлакатда 6 ойдан кўпроқ истиқомат қилиши ҳисобланади. Солиқ тўловчиларни резидент ва норезидентларга бўлишнинг маъноси шундаки, резидентлар ички ва ташқи даромадидан, яъни барча даромад манбалари бўйича солиққа тортилади. Бунда улар жами даромади бўйича тўлиқ солиқ жавобгарлигига тортилади, норезидентлар эса – фақат шу мамлакатдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар, яъни чегараланган солиқ жавобгарлигига эга.

2. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг асосий базаси бўлиб, солиқ тўловчининг жами даромади ҳисобланади ва унга турли хил манбалардан олинган даромадлар: иш ҳақи, нафақалар, дивиденд ва бошқа даромадлар киради.

3. Жами даромадни даромад солиғига тортишда, амалдаги ставкаларнинг шкаласи қўлланилгунга қадар, солиққа тортиладиган даромад аниқланади. Солиққа тортиладиган даромадни аниқлашда белгиланган имтиёзлар (жами даромаддан чегирмалар ва бошқалар) инобатга олинади. Бу имтиёзлар солиққа тортилмайдиган даромадни, касбий харажатлар, оилавий чегирмалар, болаларга чегирмалар, ижтимоий суғуртага тўловлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Кўпчилик мамлакатларда умумий имтиёз бўлиб, солиққа тортилмайдиган минимум ҳисобланади. Жами даромаддан чегириладиган чегирмалар ҳамма мамлакатларда бир хил тартибда қўлланилмайди. Улар энг кўп Франция, Германия ва Японияда жорий қилинган. Италияда жами даромад солиққа тортиладиган даромад билан деярли бир хил.

4. Ривожланган давлатларда жами даромаддан қилинадиган солиқ чегирмалари амал қилadиган солиқ чегирмаларининг бир шакли ҳисобланади. Ушбу чегирмалар қўлланилмаган ҳолларда солиқ имтиёзларнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин. Бу имтиёзлар оиланинг иқтисодий аҳволини, оилавий шароитини, болаларнинг сони ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади

5. Солиқ имтиёзларидан ташқари ривожланган мамлакатларда болаларга тўланадиган давлат тўловлари ҳам инобатга олинади. Натижада бу жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадини қисқартиради. Бу тўловларнинг ҳажми, агар оила даромади белгиланган меъёрдан ошмаса, болалар сонига боғлиқ бўлади. Меъёрдан ошган тақдирда тўловлар сезиларли даражада чегараланади.

6. Ривожланган давлатларда доимий солиқ имтиёзларидан ташқари муайян харажатлар билан боғлиқ бўлган вақтинчалик берилган имтиёзлар ҳам қўлланилади. Бу харажатлар заёмлар бўйича фоизлар, ҳаёт суғуртаси бўйича тўловлар, медицина харажатлари, айрим хусусий суғурта фондига тўловлар, бир қанча касбий харажатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

7. Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси прогрессив ва мураккаб прогрессияда ташкил топган. Охириги йилларда, максимал ставкаларни кескин пасайтириш, ставкаларнинг сонини ҳам пасайтириш кузатилмоқда. Айрим мамлакатларда пропорционал солиққа тортишга ўтиш кузатилди. АҚШда иккита ставка - 15 ва 28%, Буюк Британияда – 25 ва 40%, Италияда максимал ставка 56% гача, минимал ставкаси – 11% гача пасайтирилган, Японияда максимал ставка 60%гача пасайтирилган.

8. Ишлаётган эр ва хотинлар жисмоний шахслар даромад солиғини оиланинг жами даромади бўйича биргаликда ёки алоҳида тўлаш имкониятига эгалар. Айрим давлатларда биргаликда солиққа тортиш жисмоний шахслар даромад солиғини бир қанча пасайишига олиб келади. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ижтимоий суғурта фондига тўловлари иш ҳақидан, ишлаш жойининг ўзида тўланади. Бошқа даромад шаклларида солиқ тўловлари декларация бўйича, эр-хотиннинг танловига кўра - биргаликда ёки алоҳида тўланади.

1.3. Хорижий мамлакатларда ўтказилган солиқ ислохотлари ва солиқ тизимидаги истиқболлар

Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг такомиллашганлиги асосан давлатнинг ишлаб чиқариш муносабатларини, ижтимоий-иқтисодий соҳаларини назорат қилиниши ва уларнинг механизмини самарали амал қилиши билан изоҳланади. Солиқ тизимининг тўғри шаклланиши мўлжалланган солиқ даромадлари ва ҳақиқатда ундириб олинганлиги ўртасида мавжуд бўлган қарама-қаршиликларга боғлиқдир. Ривожланган мамлакатларда давлат ҳаражатларини камайтиришга, солиқ юкини пасайтиришга эътибор берилиб, солиқ муносабатларда бир томондан солиқларнинг самарали амал қилиниши талаб этилади ва иккинчи томондан солиқ даромадларига эҳтиёжларни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Хориж мамлакатлари иқтисодчиларининг таҳлилларига кўра, асосий солиқ муаммолари қуйидагилардан иборат:

- Замонавий солиқ механизмнинг амал қилиши солиқ тўловчилар учун мураккаб туюлиши ва солиқ органларининг самарали бошқарувида қийинчиликларининг мавжудлиги. Бу эса маъмурий ҳаражатларни ошишига ва солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларини вужудга келтиради.

- Шахсий даромадни солиққа тортишда айрим ҳолатларда солиқ юки даромад ҳажмига нисбатан бир хил тақсимланмаслиги мумкин. Бу эса солиқ тўловчилари ўртасида турлича таҳлил қилишга олиб келади.

- Юқори солиқ ставкаларининг амал қилиши, қабул қилинган иқтисодий қарорларга салбий таъсир этиши мумкин.

Юқорида келтирилган номуносабатликлар солиқ тизимида доимо мавжуд бўлган. Лекин давлат ҳаражатларини солиқлар орқали қопланишини камайтирилганлиги ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларининг белгиланиши юқоридаги муаммоларни узил-кесил ҳал этишга қаратилган.

Шахсий солиқлар борасидаги ислохотлар ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

Солиққа тортиладиган базани кенгайтириш.

Бу муносабатларда икки хил даромадни ажратиш мумкин. Биринчи даромад турида солиқ базаси ўз ичига янги манбаларни олади. Масалан, ижтимоий нафақалар, ишсизлик, касаллик нафақалари ва бошқалар.

Иккинчи даромад тури солиқ имтиёзларини бекор қилиш натижасида қолдирилган даромадларни, қўшимча иш ҳақи ва бошқа даромадларни ўз ичига олади. Кўп мамлакатларда ўтказилган солиқ ислохотларида солиққа тортиладиган базани кенгайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Солиқ ставкаларни қайта кўриб чиқиш.

Ривожланган мамлакатларда ўтказилган солиқ ислохотларида максимал солиқ ставкаларни камайтириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Гарчи максимал солиқ ставкаси асосида солиқ суммаларни атиги 0,2% солиқ тўловчилари тўласа ҳам, айрим давлатларда бу ҳолат солиқ тўловчилар гуруҳининг қисқартиришига олиб келди. Ривожланаётган давлатларда эса ўртача минимал солиқ ставкасини амал қилиши кузатилади. Умуман олганда, максимал солиқ ставкаларини камайтирилиши самарадорлик даражасини оширади ва бунда солиққа тортиладиган базани кенгайтириши кузатилади.

Турли даромадларни бир хил тартибда солиққа тортиш.

Кўп мамлакатлар солиқ тизимида солиқлар ҳажми даромад турига боғлиқдир. Капитал ўсиши билан боғлиқ бўлган даромад солиқлари бошқа даромад турларига нисбатан имтиёзли даромад солиқлари ҳисобланади. Лекин айрим солиқ ислохотлари натижасида бу имтиёزلарни солиқ тўловчилари ўртасидаги тенгликни сақлаш мақсадида бартараф қилинади ёки умуман бекор қилинади.

Инвестицияларга тўққинлик қилаётган солиқ имтиёзларини четлаштириш.

Аксарият компанияларнинг солиққа тортиш тизими турли хил инвестиция имтиёзларини инобатга олади (инвестицион солиқ кредитлари, ҳудудий имтиёзлар ва х.к.) ва қўллади.

Умуман солиқ ислохотлари махсус инвестицион имтиёзларга қаратилган бўлиб, инфляция оқибатларини қоплашга йўналтирилгандир.

Солиқ ставкаларни пасайтириш. Солиққа тортиладиган базани кенгайтириш бевосита солиқ ставкаларини пасайишига хизмат қилади.

Тақсимланган фойда дискриминациясини камайтириш. Бу вазиятларда баъзан солиққа тортиладиган базадан бир қисми тўланган дивидендларни чегиришга ва акционерларга солиқ кредитини беришга компанияга рухсат берилади (барча компания миқёсида тўланган сумма ёки уни бир қисми бўйича) ёки алоҳида солиқ ставкалари киритилади.

Солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, солиқ ислохотларида асосан қўшилган қиймат солиғи ролини ошириш ёки ставкасини пасайтириш (кўтариш) масалалари кўриб чиқилади, чунки айнан шу солиқ тури солиқ тўловчилар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи солиқ тўловчилари ўртасидаги солиқ рақобатини бартараф этади. Шу билан бирга қўшилган қиймат солиғи солиқ тизимини регрессив ривожланишига таъсир этади. Шу сабабли айрим давлатларда қўшилган қиймат солиғи жорий этилмаган.

Ўтказилган солиқ ислохотларида камчиликлар мавжуд бўлмаса ҳам, йирик солиқ ислохотлари атиги бир нечта мамлакатларда ўтказилган. Бундай ҳолат қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- Бугунги кунда солиқ тизимида инвестицияни рағбатлантириш ва меҳнат фаолиятини қизиқтириш масаласида аниқ бир қонун қабул қилинмаганлиги;
- Солиқ ислохотлари натижалари асосида амалга оширилаётган сиёсий мақсадлар бир-бирига мос келмаслиги. Масалан, жамғариш жараёни инвестицияларга салбий таъсир этади, оилалиларни солиққа тортиш механизмидаги ўзгаришлари эса ёлғиз солиқ тўловчи фуқароларга нисбатан тенглик тамойилининг бузилишига олиб келади;
- Мамлакатда ўтказилган сиёсий ислохотлар солиқ ислохотларига мос келиши зарурлиги;
- Солиқ тизими мураккаб ва уни тез ҳамда бирдан ўзгариши солиқ тўловчиларга таъсир этиши. Солиқ имтиёзларини бекор қилиш орқали солиқ базасини кенгайтириш солиқ тўловчилари томонидан нотўғри қабул қилиниши мумкинлиги (масалан, фермерлар, кўчмас-мулк эгалари, суғурта компаниялари);

Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларни ечишда таклиф этилаётган солиқ қарорлари ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Шундай бўлсада, мамлакатларда ўтказилган ва ўтказилаётган солиқ ислохотлари ўз ижобий самарасини бермоқда.

II-БОБ. Ривожланган давлатлар солиқ моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

2.1. Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими моделлари ва уларнинг белгилари

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимлари кўпгина умумий хусусиятлари ва белгилари билан бир-биридан ажралиб туради. Уларни биз шартли равишда бир неча турларга бўлишимиз мумкин:

- *америка модели;*
- *япон модели;*
- *Европа модели;*
- *ноандозавий модел;*

Бу моделларнинг умумий белгилари ҳақида қисқича тўхталиб ўтаемиз:

- ривожланган қонунчилик базасининг мавжудлиги, вужудга келадиган мунозаралар, вазифалар ҳамда турли хил ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий воситалари, механизмлари ва усулларининг мавжудлиги;

- солиқ органлари ташкил этилишининг юксак даражаси (техника воситалари билан таъминланганлиги, юқори иш ҳақи, замонавий алоқа воситалари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш даражаси);

- солиқ идораларининг солиқ тўловчилари олдида ишончга ва юксак обрўга эга эканлиги;

- вазирликлар ва идоралар вазифаларининг аниқ чегараланиб қўйилганлиги ва улар ишида бир-бирини такрорлашнинг йўқлиги;

- ҳукуматнинг вакили бўлган ва унинг номидан иш олиб борадиган солиқ агентининг (инспекторининг) катта аҳамиятга ва обрўга эга эканлиги;

- кадрларни таҳлил этиш, ўрганиш, олдиндан белгилаш, ўқитиш, солиқ тўловчилар (жамоатчилик) билан алоқалар бўйича институтларнинг мавжудлиги;

- солиққа тортиш тизимини ташкил қилиш, ривожлантириш назарияси ва амалиёти юксак даражада ўзаро боғлиқлиги, қабул қилинадиган қарорларнинг илмий асосланганлиги;

- солиқ идораларининг, айниқса, ахборот алмашиниш соҳасида молия органлари ва банк тизими билан чамбарчас боғлиқлиги;

Энди булардан ташқари ҳар бир моделнинг бир-биридан фарқ киладиган алоҳида белгилари тўғрисида тўхталамиз ва америка моделини кўриб чиқамиз.

Америка модели қуйидаги белгилари билан классификацияланади:

- солиқ тизими бўйича солиқ тўловчиларининг тушунишига мураккаблиги, шу сабабдан мамлакатда 50 мингдан ортиқ мустақил ҳолда фаолият юритувчи хусусий солиқ маслаҳатчилари мавжуд бўлиб, шу тизимга доир бўлган муаммоларни ечишга ҳаракат қилмоқда;

- мамлакатнинг солиқ тизими жуда катта бошқарув тизими ва ижрочилик аппаратига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради;

- мамлакат солиқ тизимида қатъий марказлаштиришнинг йўқлиги, мамлакат солиқ тизимининг 3 поғоналиги, яъни федерал, штат ва шаҳар солиқларининг мавжудлиги ва ҳар бир ҳокимиятнинг тўлиқ мустақиллиги;

- нақд пул билан ишлайдиган кичик бизнеснинг (савдо расталаридан савдо килувчилар, кўчадаги савдо, хизматлар ва шуларга ўхшаган фаолият турлари) даромадларини назорат қилишнинг самарали усуллари АҚШда йўлга қўйилмаганлиги;

- ноқонуний даромад манбалари (ўз даромадларини яширувчилар ва солиқларни тўлашдан бўйин товловчилар) тўғрисида маълумот берувчи кўнгилли ахборотчилар тармоғининг мавжудлиги;

Жаҳон солиқ тизимининг Япон модели қўидаги асосий белгилари билан характерланади:

- молия, солиқ, банк, суғурта, божхона хизматлари ва шу каби давлат бюджетини сармоёга тўлдирадиган тизимлар Япония Молия Вазирлиги назорати остида тартибга солинади;

- Японияда жуда юксак даражада ватанпарварлик руҳи, мамлакатга, давлат бошқарув органларига, вазирликларга, меҳнат бўлими битимини имзолаган компанияга, фирмага, муассасага содиқлик ҳисси мавжудлиги ва натижада кадрлар қўнимсизлигининг йўқлиги, шу жумладан солиқ органлари тизимида ҳам кузатилмайди;

- қўйдан то юқоригача бўлган бошқарув аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатларда субординация тамойилига қатъий риоя қилинишидир. Олис истиқбол учун олдиндан белгиланган кўрсаткичларнинг тузилиши. Масалан, келажакда солиқ тўловчилар ва бюджетдан нафақа олувчиларнинг сонининг ошиб кетиш циклини японлар ҳисоблаб чиққан бўлиб, бунинг натижасида нафақахўрлар сонининг ошиб кетиши ва солиқ тўловчилар сонининг камайиб кетишини аниқланган.

Европа модели қўидаги белгилари билан бошқа моделлардан ажралиб туради:

- Европадаги мамлакатлар ўртасида иқтисодий бирлашишга доимий интилиш мавжуд. Шунинг учун уларнинг иқтисодиётдаги айрим бошқарув тизимларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар бир-бирига жуда яқин. Шу боисдан уларнинг солиқ тизими жаҳон амалиётида «Европача модел» деб юритилади;

- солиқ фаолиятининг унитар шакллари мавжуд бўлиб, бўларга ягона андозалар, ёндашувлар, талқин қилишлар, солиқ декларацияларининг шакллари, иш тамойилларини киритиш мумкин.

Ноандозавий ёки мослашган моделлар одатда айрим кичик ҳудудли ёки оролларда жойлашган давлатларда, эркин иқтисодий зонага эга (оффшор зонали) давлатларда ва қатор бошқа давлатлар (масалан, Кипр, Люксембург, Мальдив ороллари) солиқ тизимида амал қилиши мумкин. Улар учун асосан турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлари, «солиқ таътиллари» қўлланилади.

2.2. Жаҳон солиқ моделларининг ўзига хос хусусиятлари

Америка моделида:

- Федерал, штат, шаҳар (маҳаллий) солиқлари мавжуд.
- Федерал солиқнинг асосий хусусияти шундаки, федерал бюджет таркибида тўғри солиқларнинг улуши катта. Аҳолидан олинadиган даромад солиғи федерал бюджетнинг асосий қисми ҳисобланади.
- Америкада ҳар бир жисмоний шахс ўзининг солиқ мақомига эга: эр-хотиннинг биргаликда ёки алоҳида солиқ декларациясини тўлдириши оилавий аҳволга қараб гуруҳланади ва солиқ тўловчига маълум имтиёзлар берилади.

Даромадларни ҳисоблаш 3 босқичдан иборат, яъни:

1) ялпи даромад (тушум);

2) ҳисобланган даромад;

3) солиққа тортиладиган даромад, ялпи даромаддан айрим чегирмалар ва ажратмалар чегирилади.

Европа моделида:

Буюк Британия солиқ тизими 5 та йирик гуруҳга бўлиниш хусусияти билан ажралиб туради:

1) тўғри солиқлар;

2) эгри солиқлар;

3) маҳаллий солиқлар;

4) ишбилармонликка солиқ;

5) бошқа солиқлар.

Буларнинг ичида тўғри солиқлар юқори салмоққа эга.

Бундан ташқари:

- Буюк Британияда даромад солиғи бошқа давлатларникидан фарқ қилиб жисмоний шахслар даромад солиғи шедуллар асосида ҳисобланади;

- эгри солиқлар ичида асосий салмоқни ҚҚС, акциз солиғи эгаллайди;

- Буюк Британия солиқ тизими марказлашган ва маҳаллий солиқлардан иборат;

Марказлашган солиқларга: даромад солиғи, корпорациялар фаолиятидан олинadиган солиқ, иш ҳақида даромад солиғи, ҚҚС, акциз, божхона божлари ва бошқалар қиради.

Маҳаллий солиқларга: мол-мулк солиғи, бизнесдан олинadиган солиқ, қимматбаҳо қоғозлар операцияларидан олинadиган даромад солиғи, кўчмас мулкдан олинadиган солиқ ва бошқалар қиради.

Франция солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳозирда Францияда 3 та йирик солиқ гуруҳлари мавжуд:

1. Даромадларни олиш вақтида тўланадиган даромад солиғи;

2. Даромад сарфланаётганда ундириладиган истеъмол солиғи;

3. Капитал солиғи;

Франция солиқ тизимида ҚҚС энг асосий солиқ турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Акциз солиғининг белгиланган қисми давлат бюджетига ва маълум қисми маҳаллий бюджетга бориб тушади.

Францияда ҳам солиқ турлари бўйича имтиёзлар ва чегирмалар мавжуд. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар 4 та асосий гуруҳга бўлинади:

- курилиш қилинган ерларга солинадиган солиқлар ёки йиғимлар;

- курилиш қилинмайдиган ерларга солинадиган солиқлар ёки йиғимлар;

- турар жойларга солиқ;

- касб-ҳунарга солиқ;

Франциянинг давлат бюджети таркибида эгри солиқларнинг салмоғи катта.

Германия солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Германия солиқ тизими федерал, ер ва маҳаллий солиқларнинг мавжудлиги билан характерланади. Германияда солиқ турлари сони жуда кўп бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Федерал солиқлар: спиртли маҳсулотларга солиқ, бож йиғимлари, капиталнинг ҳаракатига солиқ, суғурта солиғи, вексел солиғи, истеъмол маҳсулотларига солиқлардан иборат.

Қўшма солиқ (федерал ва ер)лар: иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи, капитал даромадига ва корпорация солиғи, ҚҚС, хунармандчилик солиқларидан иборат.

Ерлар солиқлари: мол-мулк солиғи, ер майдонини сотиб олишга солиқ, транспорт воситаларига солиқ, пивога солиқ, лоторея ўйинларига солиқ, ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш солиғи, бильярд ўйинларидан олинadиган даромад солиқларидан иборат.

Муниципал солиқлар: ер солиғи, маҳаллий истеъмол солиғи, ит эгаларидан олинadиган солиқ, косибчилик солиқларидан иборат.

Улардан даромад ва косибчилик солиқлари учала бюджетга ҳам бориб тушади. Германияда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида солиқларни синфларга бўлган, яъни солиқ тўловчиларнинг турмуш даражаси, оилавий аҳволи, болалар сонини ҳисобга олган ҳолда амал қилади.

Германияда черковлар, интернатлар, болалар боғчалари, касалхоналар ер солиғидан озод қилинган. Германияда маҳаллий солиқларнинг ставкалари маҳаллий бошқарув органлари томонидан белгиланади.

Япония солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Японияда солиқлар давлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Давлат солиқларининг ичида тўғри солиқларнинг салмоғи юқоридир.

Тўғри солиқларга: жисмоний шахслар даромадига солиқ, корпорация даромадига солиқ, меросга солиқ ва ер солиқлари киради. Давлат солиқларининг ичида эгри солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга истеъмол солиғи (ҚҚС), спиртли ичимликларга солиқ, тамаки маҳсулотларига солиқ, ёқилғи маҳсулотларига солиқ, божхона божлари, автомобил қувватига солиқлар киради.

Маҳаллий солиқлар қуйидагилардан иборат:

1. Префектуралар (шаҳарлар) солиғи;
2. Муниципал (шаҳар типдаги ҳудудлар) солиқлар.

Япония солиқ тизимини 4 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- даромаддан олинadиган солиқ;
- мол-мулкдан олинadиган солиқ;
- истеъмол солиғи;
- махсус маҳсулотларга белгиланган солиқлар;

Японияда аҳоли даромадларига солиғининг ҳисобланишига кўра даромадлар 10 та гуруҳга бўлинади:

1. Турли хил фоизлардан олинadиган фойда;
2. Дивидендлардан олинadиган фойда;
3. Асосий фондларнинг ижара ҳақи;
4. Бизнес даромади;
5. Иш билан банд бўлганларнинг даромадлари;
6. Нафақа ёшдагиларининг даромадлари;
7. Ўрмон маҳсулотларини сотишдан олинган даромад;
8. Капитал тушумлар;
9. Фавқулудда даромадлар;
10. Турли-туман даромадлар.

2.3. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг жаҳон солиқ тизими моделлари билан солиштирма таҳлили

Америка модели билан солиштирма таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг АҚШ солиқ тизими билан ўхшаш жиҳатлари:

- солиқлардан маълум имтиёзлар ва чегирмалар мавжуд. Масалан, АҚШда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ставкалари ҳам Ўзбекистон мамлакатига ўхшаш, яъни солиқнинг табақалаштирилган учта ставкаси асосида ундирилиши.

Европа модели билан таққослама таҳлили.

Буюк Британия мамлакати солиқ тизими.

Ҳозирги пайтга келиб Буюк Британия солиқ тизими бешта йирик гуруҳлардан иборат:

- тўғри солиқлар;
- эгри солиқлар;
- маҳаллий солиқлар;
- ишбилармонликка солиқ;
- бошқа солиқлар.

Буюк Британияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар юқори салмоққа эга. Асосий улуши даромад солиғига тўғри келади. Буюк Британия жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишнинг фарқли жиҳати шундаки, даромад солиғи шедуллар асосида тузилган.

Германия мамлакати солиқ тизими.

Германияда солиқлар бюджетга тушишига қараб учга бўлинади:

федерал, ерлар (худуд) ва маҳаллий. Уларда 40 га яқин солиқ тури амал қилади.

Бизнинг солиқ тизимимиздан фарқли ўлароқ, Германияда бюджетларнинг асосини тўғри солиқлар ташкил этади. Яна бир фарқли жиҳати, Германияда жисмоний шахслар даромадига солиқ ҳисобланганда оилавий шароити ҳисобга олинади.

Франция мамлакати солиқ тизими.

Франция солиқ тизими бизнинг солиқ тизимимизга яқиндир. Иккала мамлакатда ҳам бюджетнинг асосий қисмини ҚҚС ташкил этади. Бюджет тузилиши марказий ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Франция солиқ тизими билан Ўзбекистон солиқ тизимида солиқларни ундириш хусусияти ўхшашдир.

Япония модели билан таққослама таҳлили.

Японияда солиқлар 4та гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- даромаддан олинadиган солиқ;
- мол-мулкдан олинadиган солиқ;
- истеъмол солиғи;
- махсус маҳсулотларга белгиланган солиқлар.

Аҳоли даромадларидан олинadиган солиқлар 10 та гуруҳга бўлинади. Истеъмол солиғи гуруҳига лицензия ва регистрация солиғи, герб йиғими, ирригация ерларини яхшилаш учун солиқ, электроэнергия манбаларини ривожлантириш учун солиқ, меҳмонхоналарда кўрсатилган хизматлар учун солиқ, ресторанларда овқатланиш учун солиқлар киради.

III-БОБ. Ривожланган давлатлар солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан солиштирма таҳлили

3.1. АҚШ солиқ тизимининг Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими билан солиштирма таҳлили

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими 2 погоналидир:

1. Умумдавлат солиқлари
 2. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.
- АҚШ солиқ тизими уч поғонали, яъни:

1. федерал солиқлари;
2. штат солиқлари;
3. шаҳар солиқлари.

Республикаимиз **умумдавлат солиқларига** асосан доимий тушумга эга бўлган ва бюджетда муҳим ўрин тутадиган солиқлар йўналтирилади. Буларга: жисмоний шахслар даромадига солиқ, юридик шахслар даромадига солиқ, акциз солиғи, ҚҚС, давлат божи, божхона божи ва бошқа солиқлар киради.

АҚШ федерал бюджет солиқларида эса асосан тўғри солиқлар ҳиссасига тўғри келади.

Икки давлат учун ўхшашлик жиҳати ҳар иккала бюджетга ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган солиқлар йўналтирилади. **Фарқли** жиҳати эса Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида ҳозирги кунда эгри солиқлар ҳиссаси кўпроқ, шу сабабли эгри солиқлар ҳам умумдавлат солиқларида муҳим аҳамиятга эга, АҚШ федерал бюджетига эса эгри солиқлар деярли йўқ, чунки мамлакат бюджетига эгри солиқларнинг ҳиссаси кам бўлиб, АҚШ федерал бюджетига жисмоний шахслар даромад солиғидан кейин иккинчи ўринда (бюджетдаги салмоғи бўйича) ижтимоий суғурта ажратмалари ва корпорациялар даромадига солиқ киради.

АҚШда корпорациялардан олинadиган даромад солиғи федерал бюджет ва штат бюджетига бориб тушади. Ҳозирги кунда бу солиқнинг ставкаси - 34 %, Республикаимизда эса - 18% 2004 йилда ва 2005 йилда – 15% қилиб белгиланди.

Республикаимиз солиқ тизимининг иккинчи поғонаси маҳаллий солиқлар ва йиғимлардир.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий ҳукуматлар асосан ижтимоий масалаларни: мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Аммо Республикаимиз ҳудудида маҳаллий солиқлар ҳаражатларни 30-40 % ини қоплайди, холос.

Маҳаллий бюджетни (солиқларнинг) муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

АҚШ маҳаллий солиқлари асосан: ижтимоий таъминот, йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, халқ таълими солиқларидан иборат. Республикаимиз маҳаллий солиқларига эса: мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона солиқ ва бошқа йиғимлар ҳам киради.

АҚШда қимматли қоғозлар бозори анча ривожланган ва бу тизимдан ҳам жуда катта даромад олиш имконияти мавжудлиги туфайли мамлакат бюджетига ушбу операциялардан ҳам маълум миқдорда солиқ тушумлари тушади.

Республикаимиз ҳудудида эса, аксинча, яъни қимматли қоғозлар бозори ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли ҳам солиқ тушумлари кам. Республикаимиз солиқ тизимида ҳам бу бозорни ривожлантириш мақсадида ушбу операциялардан, яъни қимматли қоғозлар операциясидан даромад олувчи ҳукукий шахсларга солиқлардан имтиёз берилган.

Америка Қўшма Штатларида компаниялар ва корпорацияларнинг солиқ базасидан илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларига ҳаражатлар бутунлай,

ускуналарни замонавийлаштиришга харажатлар қисман чиқариб ташланиши мумкин. Унча катта бўлмаган компанияларга, яъни кичик бизнесга махсус имтиёзлар берилади. Масалан, АҚШда йиллик даромади 75 минг долларгача бўлган компанияларга йил давомида қиймати 10 минг долларгача бўлган (компанияларга йил давомида) янги ускуна тўлиқ ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилади. Кичик бизнес учун Америкада, шунингдек, фойда солиғи учун имтиёзли прогрессив ставкалар белгиланган.

Республикамиз мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозирги кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес учун жуда аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан 1998 йил 9-апрелдаги И.А.Каримов қарорига мувофиқ кичик бизнес ва микрофирмаларнинг янги мезонлари ишлаб чиқилди. Унга кўра корхоналар ишчилар сони қуйидагича белгиланди:

- саноат соҳасида - 40 кишигача;
- ишлаб чиқариш соҳасида - 20 кишигача;
- ноишлаб чиқариш соҳасида - 10 кишигача қилиб белгиланди.

Солиқ ставкалари табақалаштирилган тартибда белгиланди, яъни:

- ноишлаб чиқариш соҳалари учун - 25 %;
- саноат ва ишлаб чиқариш учун - 10 %;
- қишлоқ хўжалиғи корхоналари учун - 5 % қилиб белгиланди.

Икки давлатнинг яна бир эътиборга молик бўлган солиқ ва солиқсиз тўловларидан бири бу божхона божларидир. АҚШда иқтисодиёт анча ривожланганлиги сабабли мамлакат ички бозори ўз ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан таъминланган, экспорт ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу сабабли ҳам мамлакатга импорт қилувчи товарлар учун божхона расмийлаштирувчи анча содда ва божхона божларининг ставкалари нисбатан юқори эмас.

Республикамизда эса ишлаб чиқариш ҳали тўлиқ ривожланмаганлиги сабабли, ички бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида, четдан келаётган импорт товарлари учун солиқлар ва божлар юқори ставкада белгиланган.

3.2. Германия солиқ тизимининг Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими билан солиштирма таҳлили

Германия мамлакатини Ўзбекистон солиқ тизими билан солиштирадиган бўлсак, бир қанча ўхшашлик ва фарқли томонлари мавжуд.

Ўзбекистонда солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинса, Германияда федерал, ерлар (худуд) ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Германияда қўшма солиқлар, яъни бир вақтнинг ўзида бир нечта бюджетга тушадиган солиқлар мавжуд. Ўзбекистонда эса бу ҳолат кузатилмайди ва ҳар бир солиқ тури тўлалигича битта бюджетни шакллантиради.

Германия солиқ тизими Ўзбекистон солиқ тизимига нисбатан анча ривожлангандир ва солиқ турлари ҳам Ўзбекистондагидан бир мунча кўп. Германияда Ўзбекистонда бўлмаган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган солиқлар: черков солиғи, ит эгаларига солиқ ва бошқалар мавжуддир. Шу билан бирга Ўзбекистонда мавжуд бўлган мол-мулк солиғи Германияда йўқ.

Германия солиқ тизими Ўзбекистон солиқ тизимига нисбатан анча мураккаб тузилишга эга. Буни ер солиғи, жисмоний шахслар даромадига солиқ мисолида кўришимиз мумкин.

Германияда корпорациялар даромадига солиқ солишда солиққа тортилмайдиган минимумлар мавжуд. Корпорацияларни даромадини солиққа тортишда даромадлар иккига бўлинади, яъни тақсимланадиган ва тақсимланмайдиган даромадларга.

Ўзбекистонда бу солиқ юридик шахслар даромадига солиқ деб юритилади. Юридик шахсларни фаолиятдан келиб чиқиб, кичик корхоналар учун ягона солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи белгиланган, қолган юридик шахслар умумий тартибда солиқ тўлайдилар.

Германияда мол-мулк солиғи ўрнига жисмоний шахсларга мерос ва совғага солиқ жорий қилинган. Бунда меросга қолдирилган (совға қилинган) мол-мулк қариндошлик даражасига қараб, 3%дан 70% ставкагада солиққа тортилади. Ўзбекистонда мерос ва совғага солиқ бир марталик йиғим сифатида жорий қилинган.

Германияда ер солиғини ундиришда, ердан фойдаланиш мақсади инобатга олинади. Ўзбекистонда эса ер солиғи юридик шахсларга алоҳида ва жисмоний шахсларга алоҳида қўлланилади. Солиқ ставкасини Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили қайта белгилайди.

Германияда ҚҚС солиғини пасайтирилган ставкалари мавжуд. Ўзбекистонда ҚҚС 20% ва 0% ставкалари қўлланилади.

Германия солиқ тизими билан Ўзбекистон солиқ тизими ўртасидаги ўхшашликка тўхталадиган бўлсак, ҳар икки давлатда ҳам бир қанча моҳияти жиҳатидан бир хил солиқлар мавжуд. Масалан ҚҚС, жисмоний шахслар даромад солиғи, акциз солиғи ва бошқалар.

3.3. Франция мамлакати солиқ тизими билан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг солиштирма таҳлили

Франция солиқ тизимини Ўзбекистон солиқ тизими билан ўхшашликлари жуда кўпдир. Бу ўхшаш жиҳатларни айрим солиқ турларни мисолида ва уларни бюджетга тўланиш тартиби жиҳатларидан солиштирма таҳлил қиламиз.

Франция солиқлари умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлиниши Ўзбекистон Республикасининг бўлинишига ўхшашдир.

Францияда марказий ҳукумат бюджет даромадларининг асосий 93% ни солиқ тўловлари ташкил этади. Бюджет даромадларининг қолган қисмини махсус даромадлар ташкил қилади. Махсус даромадлар асосан ижтимоий фондларга тўловлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасида марказий бюджет даромадларининг асосий қисмини 93-95%ни солиқ тўловлари ташкил этади. Қолган қисмини пенсия фонди, бандлик фонди, йўл фонди каби фондларга тўловлар ташкил этади.

Иқтисодий моҳиятига кўра, Франция ва Ўзбекистон Республикасини солиқ тизими тўғри солиқлар ва эгри солиқларга ажратилади. Тўғри солиқлар ўз навбатида юридик шахслардан олинадиган солиқлар, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга бўлинади. Бу солиқ турларига қуйидагилар киради:

- Юридик шахслардан ундириладиган солиқлар:
 - корпорация фойдасидан солиқ;
 - корпорация мол-мулкига солиқ;
 - суғурта компанияларнинг даромад солиғи;
 - юридик шахсларнинг маҳаллий йиғимлари ва бошқа солиқлари.
- Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар:
 - жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
 - турар жойга солиқ;
 - касб-ҳунарга солиқлар;
 - маҳаллий йиғимлар ва бошқа йиғимлар.
- Юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар:
 - курилиш қилинадиган ерларга солиқ;
 - курилиш қилинмайдиган ерларга солиқ;
 - реклама солиғи;
 - маҳаллий йиғимлар ва бошқа тўловлар.

Эгри солиқлар таркибига кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона божлари киради. Франциядаги бу солиқларни таркиби Ўзбекистон Республикасини эгри солиқлари таркиби билан бир хилдир.

Ўзбекистон Республикасининг тўғри солиқларига юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, экология солиғи, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ, маҳаллий йиғимлар ва бошқа солиқлар киради.

Францияда бюджет даромадларининг 8,5 % ни эгри солиқлар таркибига кирувчи нефть маҳсулотларига солиқ ва акциз солиғи эгаллайди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи эса асосий ўринни эгаллаб, бюджет даромадларининг 20-21%ни ташкил этади. Тўғри солиқлар ичида асосий ўринлардан бирини компаниялар даромадига солиқ эгаллайди. У бюджет даромадларининг 8-10%ни ташкил этади.

Ўзбекистонда умумий бюджет даромадларининг 2002 йилда 19,8 % ни акциз солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 % ни, юридик шахслардан ундириладиган даромад солиғининг улуши эса 9,2 % ни ташкил этган.

Францияда компаниялар даромадига солиқнинг асосий ставкаси 34% қилиб белгиланган. Ўзбекистонда юридик шахслардан олинadиган даромад солиғининг ставкаси 2004 йилда 18 %, 2005 йилда – 15% қилиб белгиланган.

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи Франция давлатидаги фуқаролардан олинadиган даромад солиғи бўлиб, Ушбу солиқнинг ўзига хос хусусияти куйидагича:

- давлат томонидан ижтимоий сиёсат юргизишига бевосита таъсир этади;
- солиқ ҳар бир кишининг даромадидан эмас, балки оила даромадига нисбатан ҳисобланади.

Ушбу солиқнинг тўловчилари 18 ёшга тўлган ва ундан катталар ҳисобланади. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи Франция давлат бюджетидagi улуши 20 % ни ташкил этади. Даромад солиғидан тушган маблағлар кам таъминланган оилаларга, таълим, маориф, спорт ва бошқа соҳаларга йўналтирилади.

Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг даромад солиғига аҳолининг омонат кассаларига, кўчмас мулкка пул қўйишини, акциялар сотиб олишни рағбатлантириш функциялари юклатилган. Солиқ миқдори прогрессив характерга эга бўлиб, энг юқори ставка 16,8 % ни ташкил этади. Франция резидентлари мамлакат ичида ёки чет элда олган даромадларидан даромад солиғи тўлайдилар. Йил давомида олинган барча пул тушумлари даромад деб тушунилади. Бунга асосан қуйидагилар киради: иш ҳақи, мукофотлар, пенсия ва нафақалар, рента, ҳаракатланувчи мол-мулкдан олинган даромад, қишлоқ хўжалиги фаолиятдан олинган даромад, қимматбаҳо қоғозлар операциялари бўйича олинган даромад ва бошқа даромадлар киради.

Франция давлатида аҳолидан олинadиган даромад солиғи ялпи даромадга нисбатан ҳисоб-китоб қилинади ва фуқаролар йилига бир марта топшириладиган декларация асосида солиқ ҳисоб-китоб қилинади. Даромад солиғини ҳисоблашда солиқ тўловчининг даромади 7 та категорияга бўлинади:

1. Ёлланма иш учун меҳнат ҳақи;
2. Ердан олинadиган даромад;
3. Айланма маблағлардан олинadиган даромад;
4. Қайта сотишдан олинadиган даромад;
5. Ҳиссадорлик жамияти ҳисобланмаган корхоналарнинг саноат ва савдо операцияларидан олинган даромад;
6. Нотижорат даромадлари;
7. Қишлоқ хўжалиги фаолиятдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон жисмоний шахсларидан ундириладиган солиқ механизми Франция жисмоний шахсларидан олинadиган солиққа моҳиятан ўхшаб кетади. Уларнинг асосий фарқи ставкаларни белгиланишида.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида куйидаги гуруҳ ставкалари белгиланган:

- Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадларининг табақалаштирилган ставкалари;
- Жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоизларига ставкалар;
- Норезидентларнинг даромадларига ставкалар.

Солиқ объекти бўлиб йиллик жами даромад билан солиқ қонунчилиги бўйича чегирилиб ташланадиган чегирмалар орасидаги фарқ сифатида аниқланган миқдор солиққа тортиладиган даромад ҳисобланади. Демак, солиққа тортиладиган даромад – бу жами даромаддан чегирмалар ва солиққа тортилмайдиган даромадлар чиқариб ташланган суммадир.

Франция бюджетига мол-мулкка солинадиган солиқ ҳам катта даромад келтиради. Мол-мулк солиғининг объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мол-мулк, мулккий ҳуқуқ, қимматли қоғозлар. Мол-мулк таркибига бинолар, иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулки, чорва моллари ва кўп йиллик дарахтлар киритилади. Ушбу солиқ

прогрессив характерга эга бўлиб, табақалаштирилган. Францияда шу нарсага алоҳида эътибор берилганки, даромад солиғи билан мол-мулкка солинадиган солиқнинг биргаликдаги умумий суммаси жами даромаднинг 85 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистонда мол-мулк солиғи Франция мол-мулк солиғи сингари бир хил аҳамиятга эга бўлиб, улар солиқ ставкалари ва ҳисобланиши жиҳатидан фарқ қилади.

ҚҚСнинг ватани Франция бўлиб, 1954 йилда жорий қилинган. ҚҚС биринчи бўлиб марказий бюджетга келиб тушади. Унинг 10 % и эса бевосита маҳаллий бюджетга бориб тушади. ҚҚСнинг асосан 3та ставкаси амал қилади:

- пасайтирилган ставка – туристик отеллар, пансионат, корхона ошхонасида тайёрланган озиқ-овқатлар учун, шакар, ёғ, сут маҳсулотлари, мураббо, химикатлар, ўғитларга нисбатан 2,1 % ни ташкил этади.

- ўртача ставка – импорт маҳсулотларига, савдо-сотик операцияларига, газ, электр, иссиқ сувга, чой, кофе, мўзқаймоқлар ва ресторандаги хизматларга нисбатан қўлланилади. Унинг ставкаси 4-5,5 % ни ташкил этади.

- юқори ставка - қимматбаҳо тошларга, ҳайвонлар терисига, мўйналар, киноаппаратура, аудио, видеоаппаратуралар, автомобиллар, тамаки маҳсулотлари ва гугуртларга нисбатан 18,6 % қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда ҚҚС товарларни ишлаб чиқариш, сотиш ва Ўзбекистон худудига товарлар импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишни билдиради. ҚҚС оборотдан олинади. ҚҚС ставкаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 20% ли пропорционал ставка қилиб белгиланган. Ўзбекистонда электр энергия, иссиқлик энергияси, газ, сув, бажарилган қурилиш монтаж, таъмирлаш, илмий текшириш, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиҳа қидирув, таъмирлаш ва бошқа ишларга ҚҚС солинади.

Франция солиқ тизимида маҳаллий солиқлар ҳам аҳамиятли бўлиб, маҳаллий идоралар 80000 дан ортиқ мустақил бюджетларни бирлаштиради. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар 4 та асосий гуруҳга бўлинади:

- қурилиш қилинган ерларга солинадиган солиқ. Унинг объекти бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: бино ва иншоотлар, миноралар, саноат ва тижорат мақсадларида ишлатилишга мўлжалланган майдонлардир.

- қурилиш қилинмайдиган ерларга солинадиган солиқ. Унинг объекти бўлиб далалар, ўрмонлар, яйловлар, ботқоқликлар, шўр ерлар, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган ерлар, қўриқхоналар ва бошқалар.

- турар жойларга солиқ - объекти бўлиб турар жой эгалари ва ижарачилар мол-мулки ҳисобланади.

- касб-хунарга солиқ - эркин касб билан шуғулланадиган, лекин иш ҳақи олмайдиган шахслар томонидан тўланади.

Ўзбекистон маҳаллий солиқлари Францияникидан бир мунча фарқ қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар қиради: юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, юридик шахслардан олинadиган ер солиғи, жисмоний шахсларнинг ер солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, савдо ҳуқуқини олиш йиғими ва бошқалар.

3.4. Япония солиқ тизими билан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг солиштирма таҳлили

Япония солиқ тизими билан Ўзбекистон солиқ тизимининг солиштирма таҳлил натижалари куйидагича:

- бюджетга келиб тушиши бўйича:
 - Ўзбекистонда солиқлар иккита бюджетга келиб тушади: умумдавлат бюджети ва маҳаллий бюджетга;
 - Японияда ҳам икки поғонали бюджет мавжуд бўлиб, улар: давлат бюджети ва маҳаллий бюджетдир;
- Бюджетлар даромадлари шаклланишида солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ҳиссаси бўйича:
 - Ўзбекистонда давлат бюджети шаклланишида:
 1. Солиқлар ҳиссаси 93%ни ташкил этади.
 2. Солиқсиз тўловлар ҳиссаси 7% дир.
 - Японияда давлат ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми куйидагича:
 1. Солиқлар ҳисобига - 84%.
 2. Солиқсиз тўловлар ҳиссаси ҳисобига 16%, маҳаллий бюджетларда эса 25% фоизгача солиқсиз тўловлар ҳисобига қопланади.
- Солиқ турларининг сони бўйича:
 - Ўзбекистон солиқ тизимида ҳозирги кунда 7 та умумдавлат солиқлари ва 8 та маҳаллий солиқ турлари мавжуд.
 - Японияда эса 25 та давлат солиқлари ва 30 та маҳаллий солиқлар мавжуд.
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:
 - Ўзбекистонда жисмоний шахслардан даромад солиғи ставкаси прогрессив характерга эга бўлиб, 13%, 21%, 30%ли солиқ ставкалари қўлланилади.
 - Японияда ҳам жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси прогрессив характерга эга бўлиб, солиқ ставкаси 5 хилдир: 10%, 20%, 30%, 40% ва 50% солиқ ставкалари.

Бугунги кунда Японияда шахсларнинг даромадини солиққа тортишда оилавий аҳволни ҳам ҳисобга олувчи солиққа тортилмайдиган минимум қўлланилади, бу ҳолат Ўзбекистонда қўлланилмайди. Бундан ташқари Японияда кўп оилалилар кўшимча солиқ имтиёзларига эга бўладилар.

- Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича:
 - Ўзбекистонда ҳозирги кунда юридик шахслар ўз даромадларидан 18%ни давлат бюджетга ўтказадилар (2004 йил), 2005 йилда – 15% белгиланган.
 - Японияда корхона ва ташкилотлар ўз даромадларидан 33,48 фоизли даромад солиғи тўлаб, бундан 5 фоизи ёки даромаднинг 1,67 фоизи префектурага, 12,3 фоизи ёки даромаддан 4,12 фоизи шаҳар (туман) бюджетига йўналтирилади.
- Мол-мулк солиғи бўйича:
 - Ўзбекистонда мол-мулк солиғи бўйича ставка 2% қилиб белгиланган.
 - Японияда мол-мулк солиғини ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар 1,4 фоиз ставкада тўлайдилар.

Умуман олганда, икки давлатнинг солиқ тизимини барқарорлигини солиштирадиган бўлсак, Япония давлати солиқ тизими нафақат Ўзбекистонга нисбатан, балки ривожланган чет мамлакатлар солиқ тизимлари ичида ҳам энг барқарор солиқ тизими десак бўлади.

3.5. Канада мамлакати солиқ тизими билан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг солиштирма таҳлили

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими 2 поғонали:

1. Умумдавлат солиқлари.
2. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқларига қўйидагилар киради:

- Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи.
- Жисмоний шахслар даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Қўшилган қиймат солиғи
- Экология солиғи
- Божхона бождари ва ҳ.к.

Маҳаллий солиқларга эса қўйидагилар:

- Мол-мулк солиғи,
- Ер солиғи,
- Инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқалар.

Канада солиқ тизими эса 3 поғонали солиқ тизимидан иборат:

Федерал солиқлари.

Провинция солиқлари.

Маҳаллий солиқлар.

Федерал бюджетининг даромадини асосий қисмини тўғри солиқлар ташкил этади, бунда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва корпорациялар даромадидан олинadиган солиқларнинг салмоғи юқори. Ўзбекистонда бунинг акси, яъни бюджетнинг асосий қисмини эгри солиқлар ташкил этади.

Канада давлатининг федерал бюджети таркибига қўйидагилар киради:

1. Товар ва хизматларга солиқ;
2. Акциз солиғи;
3. Божхона бождари;
4. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
5. Ижтимоий суғурта фондларига тўловлар.

Провинция таркибига қўйидагилар киради:

1. Корпорациялар даромадига (фойдасига) солиқ;
2. Акцизлар;
3. Сотишдан солиқ;
4. Совғага солиқ;
5. Рента тўловлари;
6. Турли хил рўйхатдан ўтганлик учун ва лицензия учун тўловлар.

Маҳаллий солиқлар қўйидагилардан иборат:

1. Мол-мулк солиғи;
2. Кўчмас мулкка солиқ.

Канада давлатида солиқ сиёсати билан Канада Молия Вазирлигининг иқтисодий таҳлил бўлими шуғулланади. Бундан ташқари Канада солиқ суди ҳам фаолият юритади.

Канада солиқ тизимида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи алоҳида аҳамиятга эга, у бюджет даромадининг асосий қисмини ташкил этади.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи «Даромад солиғи тўғрисида»ги Қонун асосида тартибга солинади. Амалиётда солиққа тортиладиган объект бўлиб, Канада давлатида истиқомат қилувчи, фаолият кўрсатувчи ва бизнес ишлари билан шуғулланувчи шахслар ҳисобланади. Тўлиқ бир йил давомида мамлакатда истиқомат қилиб, даромад олувчиларнинг даромади солиққа тортилади.

Канада провинцияларида амал қиладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳар бир ҳудуд учун алоҳида белгиланган.

Масалан, Ньюфаундлендда 52,3% бўлган солиқ Квебекда умуман амал қилмайди.

Бизнинг мамлакатимизда эса барча вилоят ва туманларда бир хил солиқ ставкалари амал қилади.

Канада солиқ тизимида бюджетга тўланадиган солиқ суммасини аниқлаш учун бир қанча жараёнлардан фойдаланилади:

1. Ялпи даромад – ишлаб чиқариш ҳаражатлари = соф даромад.
2. Соф даромад – бошқа ҳаражатлар = солиқ тўлагунча бўлган даромад.
3. Солиқ тўлагунча бўлган даромад х солиқ ставкаси = солиқ суммаси.
4. Солиқ суммаси – солиқ кредити = бюджетга тўланадиган солиқ суммаси.

Ўзбекистон солиқ тизимида эса солиқ бир вақтнинг ўзида бевосита икки бюджетга тақсимланмайди.

Канада солиқ тизимида эса бир вақтнинг ўзида белгиланган бюджетларга тақсимланади. Масалан, корпорациялардан олинадиган фойда солиғи бевосита федерал ва провинцияларга йўналтирилади. Федерал бюджетда корпорация даромад солиғининг улуши 10%, провинция бюджетида эса 4% ни ташкил этади.

Савдо-сотик учун солиқ федерал ҳукумати ва айрим провинцияларнинг ҳукуматлари томонидан ундирилади. Солиқнинг бу тури федерал ва провинция миқёсида ишлаб чиқариладиган, шунингдек, Канадага ташқаридан олиб кириладиган барча саноат товарларидан ундирилади.

Акциз солиғи ҳам айрим зеби-зийнат буюмларидан турли хил ставкаларда ундирилади.

Ўзбекистонда эса акцизоти маҳсулотларига спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ёнилғи маҳсулотлари ва бошқалар қиради.

Хорижий давлатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари

АҚШ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушишига кўра бўлиниши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқа-рувчи солиқ органлари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Ҳудудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	Юридик шахсларнинг даромад солиғи	Қўшилган қиймат солиғи	
1. Федерал солиқлар; 2. Ҳудудий солиқлар; 3. Шаҳар солиқлари.	1. Жисмоний шахслар даромад солиғи 2. Корпорациялар даромадига солиқ 3. Ижтимоий сугурта солиғи 4. Мерос ва совга солиқлари; 5. Кўчмас мулк ва мулк солиқлари; 6. Автотранспорт солиғи; 7. Экология солиқлари.	1. ҚҚС 2. Савдо-сотиқ солиғи; 3. Акциз солиғи; 4. Давлат божси; 5. Божхона божси.	1. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Акциз солиғи; 4. Мерос ва совга солиқлари; 5. Савдо-сотиқ солиғи; 6. Мол-мулк солиғи.	1. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Акциз солиғи; 4. Мерос ва совга солиқлари; 5. Савдо-сотиқ солиғи; 6. Мол-мулк солиғи.	1. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Акциз солиғи; 4. Мерос ва совга солиқлари; 5. Савдо-сотиқ солиғи; 6. Мол-мулк солиғи; 7. Экология солиқлари.	1. Обьекти: жисмоний шахс даромади; 2. Субьекти: жисмоний шахс; 3. Ставкаси (прогрессив шкала буйича ундирилади): 15-33%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: солиқ минимуми, солиқ чегирмаси ва кредити, айрим шахсларни солиқдан тўлиқ озод этиш.	1. Обьекти: Корпорация даромади; 2. Субьекти: Корпорация; 3. Ставкаси (прогрессив шкала буйича ундирилади): 15-39%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: соф фойдадан штат ва маҳаллий солиқлар чегирмалари ҳамда 70-80% дивидендлар чегирмалари, Хайрия фондларига бадалларнинг чегирмалари ва ҳ.к.	1. Обьект: сотилган товар(иш, хизматлар) қиймати; 2. Субьекти: юридик ва жисмоний шахслар; 3. Ставкаси (штатлар буйича): 3-8.25%гача; 4. Солиқ имтиёзлари айрим товар(иш, хизматлар) ва операциялар учун берилади.	Ички даромадлар федерал хизмати.

БУЮК БРИТАНИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушишига кўра бўлини-ши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқарувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	Юридик шахсларнинг даромад солиғи	Қўшилган қиймат солиғи	
<p>1.Марказий солиқлар; 2.Маҳаллий солиқлар.</p>	<p>1.Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2.Корпорациялар даромадига солиқ; 3.Капитал ўсиши солиғи; 4.Бизнес солиғи; 5.Нефть даромад солиғи; 6.Мерос ва совгага солиқлар; 7.Мол-мулк солиғи; 8.Ер солиғи.</p>	<p>1.ҚҚС; 2.Акциз солиғи; 3.Божхона божлари;</p>	<p>1.Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2.Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Бизнес солиғи; 4. Нефть даромад солиғи; 5. Мерос ва совгага солиқлар; 6.Эгри солиқлар.</p>	—	<p>1. Мол-мулк солиғи; 2. Ер солиғи; 3.Бизнес солиғи.</p>	<p>1.Объекти: жисмоний шахс даромади; 2.Субъекти: жисмоний шахс; 3.Ставкаси(махсус бта шедул буйича ундирилади):20-25-40%гача; 4.Солиқ имтиёзлари: солиққа тортилмайди-ган минимум-3900 фунт стерлинг, солиқ чегирмалари.</p>	<p>1.Объекти: Корпорация даромади(фойдаси) ва дивиденд; 2.Субъекти: Корпорация; 3.Ставкаси (ягона ставка) : 33%; 4. Солиқ имтиёзлари: ялпи даромаддан чегирмалари, ҳайрия мақсадларида жалб қилинган ҳодимлар иш ҳақининг чегирмалари, 25% имтиёзли ставка ва ҳ.к.</p>	<p>1Объект: сотилган товар(иш,хизматлар) қиймати; 2.Субъекти:юридик ва жисмоний шахслар; 3.Ставкаси:0-8-17,5%; 4.Солиқ имтиёзлари:17 гуруҳдаги товар(иш,хизматлар)га берилади, сугрта, почта хизматлари, таълим, соғлиқни сақлаш, дафн хизматлари ва ҳ.к.лар бу солиқдан озод.</p>	<p>1.Молия вазирлиги қошидаги бошқарма; 2.Солиқ инспекцияси.</p>

ФРАНЦИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлини-ши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқа-рувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	Юридик шахсларнинг даромад солиги	Қўшилган қиймат солиги	
1. Умумдавлат солиқлар; 2. Маҳаллий солиқлар.	1. Жисмоний шахслар даромад солиги; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Корпорациялар мол-мулкига солиқ; 4. Турар жой солиги; 5. Касб-хунар солиги; 6. Жисмоний шахслар ва корпорациялар-нинг маҳаллий йиғимлари; 7. Қурилиш ерларига солиқ; 8. Реклама солиги.	1. ҚҚС; 2. Акциз солиги; 3. Божхона божлари;	1. ҚҚС; 2. Акциз солиги; 3. Жисмоний шахслар даромад солиги; 4. Корпорациялар даромадига солиқ; 5. Мол-мулк солиги.	—	1. Акциз солиги; 2. Ер солиги; 3. Мол-мулк солиги; 4. Маҳаллий божлар ва йиғимлар; 5. Қурилиш қилинган ва қилинмаган ерларга солиқ; 6. Турар жой солиги; 7. Касб-хунар солиги; 8. Реклама солиги.	1. Обьекти: жисмоний шахс даромади; 2. Субьекти: жисмоний шахс; 3. Ставкаси (прогрессив характерга эга): 0-56,8% гача; 4. Солиқ имтиёзлари: солиққа тортилмайди-ган минимуми, солиқ чегирмалари.	1. Обьекти: Корпорация соф фойдаси; 2. Субьекти: Корпорация; 3. Ставкаси (ягона ставка): 34%; 4. Солиқ имтиёзлари: ставкани пасайтирувчи махсус коэффициент-лар ва чегирмалар.	1. Обьект: сотилган товар (иш, хизматлар) қиймати; 2. Субьекти: юридик ва жисмоний шахслар; 3. Ставкаси: 5,5-22%; 4. Солиқ имтиёзлари: солиқдан озод этилган айрим ташилотлар ва фаолият турлари ҳамда айрим касблар.	1. Солиқ инспекцияси.

ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлини-ши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқа-рувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқ-лари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	Юридик шахсларнинг даромад солиги	Қўшилган қиймат солиги	
<p>1. Федерал солиқлар; 2. Ерлар солиқлари; 3. Муниципал солиқлар.</p>	<p>1. Жисмоний шахслар даромад солиги; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Мол-мулк ва мерос солиги; 4. Турар жой солиги; 5. Транспорти солиги 6. Косибчилик солиги; 7. Табиий нефтьга солиқ; 8. Қимматли қозғалардан солиқ; 9. Уй ҳайвонларига солиқ.</p>	<p>1. ҚҚС; 2. Акциз солиги; 3. Божхона божлари;</p>	<p>1. ҚҚС; 2. Акциз солиги; 3. Жисмоний шахслар даромад солиги; 4. Корпорациялар даромадига солиқ; 5. Мол-мулк солиги; 6. Бильярд, казиноларга солиқ; 7. Ер солиги; 8. Лотореяга солиқ.</p>	<p>1. ҚҚС; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Мол-мулк солиги; 4. Транспорти солиги; 5. Пивога солиқ; 6. Бильярд, казиноларга солиқ; 7. Ер солиги; 8. Лотореяга солиқ.</p>	<p>1. Даромад солиги; 2. Ер солиги; 3. Мол-мулк солиги; 4. Косибчилик солиги; 5. Ит эгаларидан солиқ; 6. Маҳаллий истеъмол солиқлари.</p>	<p>1. Объекти: жисмоний шахс даромади; 2. Субъекти: жисмоний шахс; 3. Ставкаси синфлар ва болалар сонига нисбатан ундирилади(60 минг маркагача қатъий маркаларда): 5916-26462 маркагача, 13-53%гача 4. Солиқ имтиёзлари: солиққа тортилмайди-ган минимум ва даромадлар</p>	<p>1. Объекти: Корпорация капитали; 2. Субъекти: Корпорация; 3. Ставкаси: 25-42%гача;</p>	<p>1. Объект: сотилган товар (иш, хизматлар) қиймати; 2. Субъекти: юридик ва жисмоний шахслар; 3. Ставкаси: 14%; 4. Солиқ имтиёзлари: имтиёзли ставка 7%</p>	<p>1. Солиқ инспекцияси.</p>

ЯПОНИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлиниши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқарув-чи солиқ органлари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	Юридик шахсларнинг даромад солиги	Қўшилган қиймат солиги	
1. Давлат солиқлари; 2. Маҳаллий солиқлар.	1. Жисмоний шахслар даромад солиги; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Мол-мулк ва мерос солиги; 4. Ер солиги; 5. Транспорт солиги 6. Ликёрга солиқ; 7. Бошқа солиқлар ва йиғимлар.	1. ҚҚС; 2. Акциз солиги; 3. Чет Эл валютаси ва Қимматбаҳо қозғалар операцияларига солиқ; 3. Божхона божлари; 4. Спиртли ичимликларига солиқ; 5. Тамакига солиқ; 6. Ёқилги маҳсулотларига солиқ.	1. ҚҚС; 2. Акциз солиги; 3. Жисмоний шахслар даромад солиги; 4. Корпорациялар даромадига солиқ; 5. Мол-мулк солиги; 6. Спиртли ичимликларга солиқ; 7. Божхона божлари; 8. Транспорт солиги; 9. Ликёрга солиқ; 10. Тамакига солиқ; 11. Ер солиги.	—	1. Префектура солиги (47та); 2. Муни-ципал солиқлар	1. Объекти: жисмоний шахс даромади; 2. Субъекти: жисмоний шахс; 3. Ставки фақатгина 3млн. иенадан юқорисига: 0,2-50,1%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: 3млн. иенагача солиқ солинмайди.	1. Объекти: Корпорация фойдаси; 2. Субъекти: Корпорация; 3. Ставки: 32-48,8%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: солиқни пасайтирувчи коэффициент (кичик ва ўрта бизнес учун).	1. Объект: сотилган товар (иш, хизматлар) қиймати; 2. Субъекти: юридик ва жисмоний шахслар; 3. Ставки: 9%;	1. Солиқ аппарати.

КАНАДА ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлини-ши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқарув-чи солиқ органлари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлар	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	Юридик шахсларнинг даромад солиғи	Кўшилган қиймат солиғи	
<p>1. Федерация солиқлари; 2. Провинциялар солиқлари. 3. Маҳаллий солиқлар.</p>	<p>1. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2. Корпорациялар даромадига солиқ; 3. Мол-мулк солиғи; 4. Ер солиғи; 5. Транспорт солиғи 6. Кўчмас мулк солиғи.</p>	<p>1. ҚҚС(Сотидан солиқ); 2. Акциз солиғи; 3. Божхона божлари.</p>	<p>1. ҚҚС; 2. Акциз солиғи; 3. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 4. Корпорациялар даромадига солиқ; 5. Ижтимоий сугурта фондларига тўловлар.</p>	<p>1. ҚҚС; 2. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 3. Корпорациялар даромадига солиқ. 4. Алкоголь ичимликларга солиқ; 5. Инвестиция даромадларидан йигим; 6. Рента тўловлари; 7. Совгаларга солиқлар.</p>	<p>1. Кўчмас мулк солиғи; 2. Кўчмас мулкни ижарага бериш солиғи; 3. Лицензия йигимлари.</p>	<p>1. Обьекти: жисмоний шахс даромади; 2. Субьекти: жисмоний шахс; 3. Ставкаси прогрессив шкала бўйича ундирилади: федерал ставка 17-29%гача, Провинция ставкалари 50,3-52,9%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: аҳолининг ҳар хил қатламлари учун чегирмалар, солиқ кредити.</p>	<p>1. Обьекти:- Корпорация фойдаси; 2. Субьекти:- Корпорация; 3. Ставкаси провинциялар бўйича: 38,2-46,1%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: солиқ ставкаларини пасайтирувчи инвестициялар миқдори</p>	<p>1. Обьект: сотилган товар (иш, хизматлар) қиймати; 2. Субьекти: юридик ва жисмоний шахслар; 3. Ставкаси: 6%-12%гача.</p>	<p>Молия Вазирли-ги қошидаги солиқ бўлимла-ри.</p>

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлини-ши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқа-рувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	Юридик шахсларнинг даромад солиғи	Қўшилган қиймат солиғи	
1. Федерал солиқлар; 2. Субъектлар солиқлари; 3. Маҳаллий солиқлар.	1. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 2. Корпорац иялар даромадига солиқ; 3. Мол-мулк ва мерос солиғи; 4. Ер солиғи; 5. Транс-порт солиғи 6. Банклар даромадига солиқ; 7. Қурлиш-га солиқ; 8. Ягона ижтимоий солиқ ва ҳ.к.	1. ҚҚС; 2. Акциз солиғи; 3. Божхона божлари.	1. ҚҚС; 2. Акциз солиғи; 3. Жисмоний шахслар даромад солиғи; 4. Корпорациялар даромадига солиқ; 5. Ягона ижтимоий солиқ; 6. Капитал даромадларига солиқ; 7. Божхона божлари; 8. Давлат божлари; 9. Ер ости бойликларига солиқ; 10. Ўрмон солиғи; 11. Сув солиғи; 12. Федерал лицензия йиғимлари ва ҳ.к.	1. Корпорациялар мол-мулкига солиқ; 2. Қўчмас мулк солиғи; 3. Ўл солиғи; 4. Транс-порт солиғи; 5. Сотилиш учун солиқ; 6. Ўйин бизнеси солиғи; 7. Худудий лицен-зия йиғимлари.	1. Жисмоний шахслар мол-мулкига солиқ; 2. Ер солиғи; 3. Курорт йиғимлари; 4. Реклама солиғи; 5. Бошқа турли хилдаги йиғимлар.	1. Обьекти: жисмоний шахс даромади; 2. Субьекти: жисмоний шахс; 3. Ставкаси: 12-30%гача;	1. Обьекти: Корпорация ялпи даромади; 2. Субьекти: Корпорация; 3. Ставкаси: Федерал ставка-13%, Худудий ставка-0-22%гача; 4. Солиқ имтиёзлари: инвестицион ёки ижтимоий характерга эга даромадларга тегишли ва ўзгарувчан.	1. Обьект: сотилган товар (иш, хизматлар) қиймати; 2. Субьекти: юридик ва жисмоний шахслар; 3. Ставкаси: 10-20%гача;	1. Солиқ инспекция си.

АВСТРИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджетга келиб тушини-га кўра бўлиниши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқарувч и солиқ органлари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	Юридик шахсларнинг даромад солиги	Қўшилган қиймат солиги	
<p>кига бўлинади:</p> <p>1. Федерал ;</p> <p>2. Умумавстрия.</p>	<p>Тўғри солиқлар федерал бюджет даромадларининг салмокли кисмини ташкил этади</p> <p>Унда жисмоний шахслар даромад солиги, корпорациялар даромад солиги катта улушни эгаллайди.</p>	<p>Эгри солиқлар ма-ҳаллий ҳуку-мат бюджетларида кўпроқ тушади.</p> <p>Асосий ўринни ҚҚС ва акциз солиқлари эгаллай-ди.</p>	<p>(федерал)</p> <p>Йирик ва доимий ҳаракатга эга солиқлар бу бюджетга йўналтирилади.</p> <p>Федерал бюджет даромадларининг асосий қисмини тўғри солиқлар ташкил этади</p> <p>Асосан қуйидаги солиқлардан иборат: ҚҚС, акциз солиги, бож йиғимлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқлар ва бошқалар.</p> <p>Федерал бюджетда жисмоний шахслар даромад солигидан ва Корпорациялардан олинадиган даромад фойда солиги улуши миқдори катта.</p>	—	<p>(умум-австрия)</p> <p>Скандина-вия мамла-катлари сингари бюджет тизимини асосан маҳаллий солиқлар орқали тўлдиради.</p> <p>Бу солиқлар ичида мол-мулк солиги асосий ўрин эгаллайди.</p> <p>Фарқли жиҳатини кўрсак, меросга солиқда битта гуруҳ ажратиб кўрсатилади. Бу ота-она-лардир. Улар солиқдан озод этилган.</p>	<p>Солиққа тортилмайдиган минимум (56800 а.ш.) ва 5 та солиқ ставкаси мавжуд, булар 10%, 22%, 32%, 42%, 50%.</p> <p>Қатъий белгиланган 20% ставкада даромад солиги тўловчилари қуйидагилар:</p> <p>1. А.да яшовчи ва даромад олувчи рассомлар, архитекторлар, маърузачилар, ёзувчиларнинг мукофотлари ва гонорарлари.</p> <p>2. Маълум ҳуқуқлар-ни беришда олинган даромадлар.</p> <p>3. Компанияларнинг кузатув кенгаши аъзоларига бериладиган мукофот.</p> <p>4. А. ҳудудида амалга оширилаётган маслаҳат хизматларидан даромадлар.</p> <p>Аванс тўловлар ҳар кварталда: 15.II, 15.V, 15.VIII, 15.X.</p>	<p>Даромадлар қуйидаги категорияларга бўлинган:</p> <p>1. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон тайёрлов фаолиятдан олинган даромадлар.</p> <p>2. Турли хил хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар.</p> <p>3. Саноат ва тижорат фаолиятдан олинган даромадлар.</p> <p>4. Ёлланма ишдан олинган даромадлар.</p> <p>5. Капитал қўйилмалардан олинган даромадлар.</p> <p>6. Ижарага берилган мол-мулкдан даромадлар.</p> <p>7. Бошқа манбалардан келган даромадлар.</p> <p>Корпорациялар даромад солиги ставкаси 26%.</p> <p>Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга алоҳида имтиёзлар берилган.</p> <p>Аванс тўловлар ҳар кварталда: 10.III, 10.VI, 10.IX, 10.XII.</p>	<p>ҚҚС 3 ставкада солиққа тортилади:</p> <p>1. 20% - стандарт.</p> <p>2. 10% - ўртача.</p> <p>3. 7% - пасайтирилган.</p> <p>Бу солиқдан экспорт операциялари, номолиявий операциялар, ер сотиши билан боғлиқ операциялар, холдинг компаниялар хизматлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар озод этилади.</p>	<p>Солиқ буйича махсус аппаратига эга.</p>

ИТАЛИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушишига кўра бўлиниши	Иктисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқарувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқ-лар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	Юридик шахсларни-нг даромад солиғи	Кўшилган қиймат солиғи	
<p><i>Иккига бўлинади:</i> 1. Умумдавлат солиқлар; 2. Маҳаллий солиқлар.</p>	<p>1. ҚДС; 2. ЖШДС; 3. Капиталдан келган даромадга солиқ; 4. Мерос ва совга солиғи.</p>	<p>1. ҚҚС; 2. Рўйхатдан ўтиши ва герб солиғи; 3. Акциз солиғи; 4. Божхона бож ва йигимлари; 5. Кўчмас мулк қийматини нг ўсишига солиқ; 6. Потеряларга солиқ.</p>	<p>1. ҚДС; 2. ЖШДС; 3. ҚҚС; 4. Акциз солиғи; 5. Божхона бож; 6. Рўйхатдан ўтиши ва герб солиғи.</p>	—	<p>1. Маҳаллий даромад солиғи; 2. Мерос ва совга солиғи.</p>	<p>ЖШДС субъекти мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи ва даромад олувчи барча резидент ва норезидентлар. ЖШДС объекти ялти даромад билан белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ. Даромад манбалари қуйидагилар: 1. Ердан, кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар; 2. Капиталдан даромадлар; 3. Ёланиб ишловчилар ва эркин касб эгаларининг олган даромадлари; 4. Тадбиркорлик фаолиятидан ва бошқа манбалардан даромадлар. ЖШДС ставкаси 12-62%гача.</p>	<p>ҚДС субъекти Ишлаб чиқариш, тижорат ва молия кредит ташиқлотлари а, шу жумладан, уларнинг чет элдаги филиаллари. Солиқ объекти тақсимланмага н фойда кўринишидаги соф даромад (фойда). ҚДС қатъий балгиланган 36% ставка бўйича ундирилади.</p>	<p>ҚҚС тўловчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда иш, хизмат кўрсатиш билан ишгулланувчи корхоналардир. ҚҚС объекти маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда иш, хизмат кўрсатиш билан ишгулланувчи корхона обороти. ҚҚС4 ставкаси бор: 1. Имтиёзли 2% 2. Асосий 9% 3. Юқори 18-38%гача; 4. Нолли 0,8%. Қуйидаги операциялар ҚҚСга тортилмайдилар: Акция облигациялар олди-сотди операциялари; Кредит операциялари; Корхоналарни ўзига оғдириш операциялари ва бошқалар.</p>	<p>1. Махсус Солиқ бошқарув аппарати; 2. Молия вазирлиги.</p>

ШВЕЦИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлини-ши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқарувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқ-лар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	Юридик шахсларнинг даромад солиги	Қўшилган қиймат солиги	
Иккига бўлинади: 1. Умумдавлат солиқлар; 2. Маҳаллий солиқлар.	1. ҚДС; 2. ЖШДС; 3. Мол-мулк солиги; 4. Мерос солиги; 5. Кўчмас мулк солиги.	1. ҚҚС; 3. Акциз солиги; 4. Божхона божси.	1. ҚДС; 2. ЖШДС; 3. ҚҚС; 4. Акциз солиги; 5. Божхона божси;	—	1. Мол-мулк солиги; 2. Кўчмас мулк солиги; 3. Мерос солиги.	ЖШДС субъекти мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи ва даромад олувчи барча резидент ва норезидентлар. ЖШДС объекти ялпи даромад билан белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ. Даромад 3та манбалардан иборат: 1. Ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи; 2. Тижорат фойяти билан шуғулланувчиларнинг даромадлари; 3. Капиталдан олинган даромадлар. Солиқ ставкаси 10-25%гача. Солиққа тортилмайдиган минимум 11000 шв. Кронаси.	ҚДС тўловчилари мамлакат ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар. Солиқ объекти ялпи даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ. ҚДС ставкаси 10-28%гача.	ҚҚС тўловчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда иш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналардир. ҚҚС объекти маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда иш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона обороти. ҚҚС4 ставкаси бор: 1. Стандарт 25% 2. Пасайтирилган 12%; 3. Юқори 32%гача; 4. Имтиёзли 6%. Йиллик обороти 1млн. крондан паст корхоналар ҚҚСдан озод.	1. Махсус Солиқ бошқарув аппарати; 2. Молия вазирлиги.

ДАНИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджет-га келиб тушиши-га кўра бўлиниши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқа-рувчи солиқ органлари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Давлат солиқлари	Худудий солиқлар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	Юридик шахсларнинг даромад солиғи	Қўшилган қиймат солиғи	
<p>Иккига бўлинади:</p> <p>1. Федерал;</p> <p>2. Маҳаллий.</p>	<p>Федерал бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этади.</p> <p>Унда жисмоний шахслар даромад солиғи (48%) асосий ва катта улушни эгаллайди.</p>	<p>Маҳаллий ҳуқу-мат бўдже-тларига эгри солиқлар кўпроқ тушади.</p> <p>Асосий ўринни ҚҚС (19%) ва аквиз солиқлари (17%) эгаллайди</p>	<p>(федерал) Ўйрик ва доимий ҳаракатга эга солиқлар бу бўджетга йўналтирилиб бўджетнинг деярли 92%ни ташкил этади.</p> <p>Федерал бўджет даромадларининг асосий қисмини тугри солиқлар ташкил этади</p> <p>Федерал бўджетда жисмоний шахслар даромад солигидан кейин иккинчи уринда (бўджет салмоғи буйича) Корпорациялардан олинандиган даромад фойда солиғи (8%) киради</p>	—	<p>Бўджет тизимини асосан маҳаллий солиқлар орқали тўлдиради.</p> <p>Бу солиқлар ичида мол-мулк солиғи (4%) асосий ўрин эгаллайди. У 2,4 млн дания кронасидан ошган мулк суммага нисбатан 0,7% да тортилади.</p> <p>41000 д.к. дан ошган мол-мулк меросга қолдирилса, қариндошлик даражасига қараб 15%, 21,5%, 36,2% ставкада тортилади.</p> <p>Соғага солиқ 41000 д.к. дан ошган суммага 15% ставкада тортилади.</p>	<p>Федерал бўджет умумий солиқ тушумларининг 48% ини ташкил этади.</p> <p>Солиққа тортилмайдиган минимум (134500 д.к.) ва 2 та солиқ ставкаси мавжуд: 134500 д.к.– 243500 - 5%, 243500д.к.дан юқори - 15%.</p> <p>Даромадини ҳисоблашда 4 гуруҳга ажратилади.</p> <p>1. Шахсий даромад - иш ҳақи, пенсия, мукофотлар...</p> <p>2. Капитал даромад – соф фоизлар, ижара ҳақи...</p> <p>3. Солиққа тортиладиган оддий даромад 1+2- чегирмалар.</p> <p>4. Акциялардан олинган даромадлар.</p> <p>Чегирмаларга эса нафақа, суғурта, ишсизлик фондига ажратмалар, хайр эхсон суммалари, транспорт харажатлари, болаларни тарбиялаш харажатлари, алиментлар киради.</p>	<p>Асосий ставкаси 34%.</p> <p>Норезидент корхоналарнинг фақат Д. Худудида олган даромадлари солиққа тортилади.</p> <p>Умумий тартибда солиққа тортиладиган базадан қуйидагилар камайтиради:</p> <p>бизнес ишларини юритиш учун сақлаш ва рағбатлантириш харажатлари, турли хил тадбиркорларга кетган харажатлар, маркетинг тадқиқотлари харажатлари, экспортчиларнинг гонорар суммалари, рўйхатга олиш бож суммалари</p>	<p>ҚҚС нинг ставкаси 25% қилиб белгиланган, йиллик оборот 20000д.к. дан юқори бўлган корхоналар ҚҚС тўловчилари ҳисобланади. Бу солиқдан экспорт операциялари, медицина хизматлари, таълим хизматлари, умумий ўловчи транспорт хизматлари, молия-суғурта-банк операциялари хизматлари озод этилади.</p>	<p>Солиқ буйича махсус аппаратига эга.</p>

ФИНЛЯНДИЯ ДАВЛАТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Бюджетга келиб туши-шига кў-ра бў-ли-ниши	Иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши		Бюджетни шакллантириш даражасига кўра			Солиқларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра			Бошқа-рувчи солиқ орган-лари
	Тўғри солиқлар	Эгри солиқ-лар	Давлат солиқ-лари	Худу-дий солиқ-лар	Муниципал солиқлар	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	Юридик шахсларнинг даромад солиги	Қўшилган қиймат солиги	
